




**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# **TIBBIYOTDA YANGI KUN**

**Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal**



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**8 (70) 2024**

## **Сопредседатели редакционной коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЪЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВ  
С.А. ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

## **ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

### **РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**8 (70)**

**2024**

*август*

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com> E:

[ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

УДК 616-071.3:616-717/718:616-053.5

## ҚИШЛОҚ ШАРОИТИДА ЯШОВЧИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ТОТАЛ МОРФОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Туймачев Улмасжон Абдумавланович Email: [TuymachevU@mail.ru](mailto:TuymachevU@mail.ru)

Тошкент Давлат стоматология институти Ўзбекистон, Тошкент ш., Тараққиёт кўчаси, 103-уй  
Тел: +998(71) 230-20-72 Электрон почта: [info@tsdi.uz](mailto:info@tsdi.uz)

### ✓ Резюме

*Мақолада Тошкент вилоятининг қишлоқ шароитида яшовчи мактаб ўқувчиларининг тотал морфометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда мактаб ўқувчилари бўй узунлиги, тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси бўйича 26 йил аввалги қишлоқ болаларининг кўрсаткичлари билан таққосланган.*

*Калит сўзлар: антропометрия, морфометрия, акселерация, жисмоний ривожланиш*

## СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОБЩИХ МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ШКОЛЬНИКОВ, ПРОЖИВАЮЩИХ В СЕЛЬСКИХ УСЛОВИЯХ

Туймачев Улмасжон Абдумавланович Email: [TuymachevU@mail.ru](mailto:TuymachevU@mail.ru)

Ташкентский государственный стоматологический институт Узбекистан, Ташкент,  
улица Тараққиёт, 103 тел: +998(71) 230-20-72 E mail: [info@tsdi.uz](mailto:info@tsdi.uz)

### ✓ Резюме

*В статье анализируются общие морфометрические показатели школьников, проживающих в сельских условиях Ташкентской области. В исследовании сравнивались рост, масса тела и окружность груди школьников с сельскими детьми 26 лет назад.*

*Ключевые слова: антропометрия, морфометрия, акселерация, физическое развитие*

## COMPARATIVE ANALYSIS OF TOTAL MORPHOMETRIC INDICATORS OF SCHOOLCHILDREN LIVING IN RURAL CONDITIONS

Tuymachev Ulmasjon Abdumavlanovich Email: [TuymachevU@mail.ru](mailto:TuymachevU@mail.ru)

Tashkent State Dental Institute Uzbekistan, Tashkent, Tarakkiyot street, 103  
Tel: +998(71) 230-20-72 E mail: [info@tsdi.uz](mailto:info@tsdi.uz)

### ✓ Resume

*The article analyzes the general morphometric indicators of schoolchildren living in rural areas of the Tashkent Region. The research compared the height, body weight, and chest circumference of schoolchildren with rural children 26 years ago.*

*Key words: anthropometry, morphometry, acceleration, physical development*

### Долзарблғи

Ў саётган организмнинг ўзига хос хусусияти - морфологик ва функционал кўрсаткичларнинг ёшга боғлиқ аниқ ўзгарувчанлиги билан ифодаланади. Бу биринчи навбатда, тизимли ривожланиш жараёнининг акси бўлган ўсишга ва танадаги метаболизм ва энергия жараёнларининг ажралмас баҳоси бўлган тана вазнига тегишли. Бола ва ўсмирнинг қандай ўсиши ва ривожланиши, унинг келажакдаги саломатлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир [2, 4]. Олимлар жисмоний ривожланишга таъсир қилувчи муҳим хусусият аҳолининг урбанизация даражаси эканлигини исботладилар [6, 7, 8]. Антропометрик усуллар қисқа вақт ичида кўп

сонли болалар ва ўсмирларни текшириш, уларнинг жисмоний ривожланиш даражасини баҳолаш имконини беради.

Кўпгина тадқиқотчилар минтакавий жисмоний ривожланиш стандартларини ҳар 5-10 йилда янгилашни тавсия қиладилар, чунки улар вақт ўтиши билан ўзгаради [2, 5]. Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқилган стандартлар тезлашув жараёни, иқлим ва экологик шароитларнинг ўзгариши, овқатланиш ва оммавий спортнинг ривожланиши туфайли даврий янгиланишларни тақозо қилади.

**Тадқиқот мақсади:** Қишлоқ шароитида яшовчи мактаб ўқувчиларининг тотал морфометрик параметрлари ўзгаришини қиёсий таҳлил қилиш.

### Материал ва усуллари

Тадқиқотга 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган, Тошкент вилоятининг қишлоқ шароитида яшовчи мактаб ўқувчилари жалб қилинди. Антропометрик кўрсаткичларни ўлчашда Г.Г. Автандилов тадқиқотларида кенг қўлланилган усуллардан фойдаланилди [1].

### Натижа ва таҳлиллар


Тананинг узунлиги ва оғирлиги, шунингдек, уларнинг нисбати инсоннинг бутун ҳаёти давомида морфофункционал ҳолатининг энг муҳим интеграл белгиларидир. Янги туғилган чақалоқ учун тана узунлиги ва вазни соматик етуклик даражасининг асосий мезонидир. Болаларнинг жисмоний ҳолатини баҳолаш учун узунлик ва тана вазни кўрсаткичлари скрининг учун асос бўлиб, замонавий педиатрия амалиётида болаларнинг жисмоний ҳолатини кузатишнинг энг машҳур усули ҳисобланади.

7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг антропометрик кўрсаткичларини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, ўғил болаларнинг 7 ёшида тик турган бўйи ўртача (М)  $126,7 \pm 0,28$  см, 16 ёшга келиб эса ўртача (М)  $168,8 \pm 0,75$  смгача ўсган, қизларнинг тик турган бўйи эса 7 ёшда ўртача (М)  $126,1 \pm 0,31$  см ва 16 ёшда эса ўртача (М)  $167,6 \pm 0,65$  смга ўзгарган. Шундай қилиб, 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган даврда ўғил болаларда 42,1 смга, қизларда 41,5 смга мутлақ ўсиш кузатилди. Ўғил болаларда тана узунлигининг энг жадал ўсиши 9 (9,0 см) ва 11 (10,0 см) ёшда, қизларда 9 (8,0 см) ва 13 (8,4 см) ёшда кузатилди. Ушбу натижаларни Р.Т.Камилованинг 1998 йилда олиб борган тадқиқот натижалари билан қиёслаганимизда, ҳозирги замон қишлоқ болаларининг тик турган бўй узунлиги 26 йил аввалги ўзларининг қишлоқдаги тенгдошларидан ўғил болалар 7 ёшда 6,72 смга, қиз болалар эса 7,64 смга баланд эканлиги аниқланди [3]. Шунингдек, 16 ёшга келиб, ўғил болалар 2,35 смга, қиз болалар эса 7,25 смга баландроқ эканлиги аниқланди. Ёш гуруҳлари бўйича қизлар ўсишининг ўртача арифметик қийматлари (М) биров пастроқ кўрсаткичга эга. Аммо қизларнинг барча ёш гуруҳларидаги норма коридори ўғил болаларнинг бир хил кўрсаткичлари қийматларини ўз ичига олади ва шунинг учун қизларнинг ўртача кўрсаткичларидаги кечикиш ишончсиздир.

7 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болаларда **ўтирган ҳолатдаги бўйнинг ўсиши** 1,27 мартага кўпайди. Шу билан бирга, бу давр учун мутлақ ўсиш мос равишда 18,77 см ва 18,2 смни ташкил этди. Ўғил болаларда ўтирган ҳолатдаги бўйнинг энг катта ўсиши 9 (2,78 см), 11 (6,2 см) ва 13 (2,6) ёшда, қизларда эса 10 (3,3 см), 14 (3,7 см) ва 16 (4,2 см) да қайд этилган.


Агар ўғил болаларда 16 ёшгача тик турган бўйнинг ўсиши 33,22 %гача, қизларда эса 31,91 %гача бўлишини ҳисобга олсак, ўғил болаларда бу даврда ўтирган ҳолатдаги бўй узунлиги 27,46 %га, қиз болаларда 27,0 %га ўсган, бундан келиб чиқадики, пастки мучалар ҳам интенсив равишда ўсади деб тахмин қилиш мумкин.

Ўғил болаларда **тана массасининг** ўртача кўрсаткичи 7 ёшда  $25,9 \pm 0,33$  кгдан 16 ёшда  $59,5 \pm 0,81$  кггача қийматга эга бўлди, 9 йил давомида тана массасининг ўсиши 33,6 кгни ташкил этди. Қиз болаларда ушбу кўрсаткич 7 ёшда  $25,5 \pm 0,34$  кгдан 16 ёшда  $58,2 \pm 0,8$  кггача ўзгариб, ўсиш 32,7 кгни ташкил этди. Бизнинг тадқиқотимизда тана массасининг интенсив ўсиши ўғил болаларда 8, 11 ва 15 ёшда, интенсив бўлмаган ўсиш даври 9, 10, 12, 13, 14 ёшларда ва секинроқ ўсиши 16 ёшга тўғри келди; қиз болаларда эса 9, 11 ва 14 ёшларда интенсив ўсиш, 8, 10, 12, 15 ёшларда интенсив бўлмаган ўсиш, қолган ёшларда ўсишнинг секинлашуви кузатилди.



**1-расм. Қишлоқда яшовчи ўғил болаларнинг бўй узунлиги (см) ва тана вазни (кг) бўйича қиёсий таҳлили**

Бизнинг маълумотларимиз бўйича иккала жинсдаги болаларда вазн кўрсаткичлари Р.Т.Камилова (1998) тақдим этган маълумотлардан юқори қийматни қайд этган бўлиб, 7 ёшли ўғил болалар 26 йил аввалги қишлоқ болаларидан 3,32 кг, қиз болалар эса 3,5 кгга оғирроқ эканлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич 16 ёшга келиб, ўғил болаларда 2,09 кг, қиз болаларда 5,92 кгга фарқ қилади. Яъни, ҳозирги қишлоқ болалари ўзларининг 26 йил аввалги тенгдошларидан оғирроқ эканлиги аниқланди [3].



**2-расм. Қишлоқ қизларининг бўй узунлиги (см) ва тана вазни (кг) бўйича қиёсий таҳлили**

Тадқиқот натижаларига кўра, мактаб ўқувчиларининг кўкрак қафаси морфометрик параметрлари маълум ўзгаришларга учрайди.

Ўрганиш даврида тинч ҳолатда **кўкрак қафаси айланасининг** ўсиши ўғил болаларда 18,9 см ( $62,0 \pm 0,39$  смдан  $80,9 \pm 0,37$  смгача), қизларда - 21,9 см ( $61,2 \pm 0,37$  смдан  $81,5 \pm 0,39$  смгача)ни ташкил этди, яъни, мос равишда 1,30 ва 1,33 мартага ўсди. Ўғил болаларда кўкрак қафасининг энг катта ўртача йиллик ўсиши 9(3,9 см), 11(4,4 см), ва 15(3,5 см) ёшда, қизларда 11 (3,1 см) ва 13(4,3 см) ёшда қайд этилди. Энг кичик ўсиш ўғил болаларда 8 (0,8 см), 10 (1,8 см) ва 16 (0,3 см) ёшда, қизларда эса 9 (1,2 см) ва 16(1,5 см) ёшда кузатилди.

Кўкрак қафаси айланасини Р.Т.Камилова (1998) маълумотлари билан қиёслаганимизда қуйидагича натижа олинди. 7 ёшда ўғил болалар 26 йил аввалги болалардан кўкрак қафаси айланаси бўйича 3,36 см, қиз болалар эса 4,42 смга юқори кўрсаткичга эга. 16 ёшга келиб, ушбу кўрсаткич ўғил болаларда 1,16 смга кичик, қиз болаларда эса 2,49 смга катта эканлиги аниқланди [3].

| Ёши   | Кўкрак қафаси айланаси бўйича норма коридори $M \pm \delta$ (см) |                           |                            |                           |
|-------|------------------------------------------------------------------|---------------------------|----------------------------|---------------------------|
|       | 2024 йил                                                         |                           | 1998 йил                   |                           |
|       | $M \pm \delta$ , ўғил бола                                       | $M \pm \delta$ , қиз бола | $M \pm \delta$ , ўғил бола | $M \pm \delta$ , қиз бола |
| 7 ёш  | 62 $\pm$ 5,1                                                     | 61,2 $\pm$ 5,86           | 58,64 $\pm$ 5,85           | 56,78 $\pm$ 2,65          |
| 8 ёш  | 62,8 $\pm$ 5,2                                                   | 63,7 $\pm$ 5,35           | 60,03 $\pm$ 2,85           | 58,37 $\pm$ 2,95          |
| 9 ёш  | 66,7 $\pm$ 3,92                                                  | 64,9 $\pm$ 4,33           | 60,94 $\pm$ 3,2            | 59,47 $\pm$ 3,13          |
| 10 ёш | 67,5 $\pm$ 3,1                                                   | 66,7 $\pm$ 4,18           | 64,01 $\pm$ 3,91           | 62,03 $\pm$ 3,77          |
| 11 ёш | 71,9 $\pm$ 3,8                                                   | 69,8 $\pm$ 5,33           | 64,69 $\pm$ 3,08           | 63,93 $\pm$ 4,3           |
| 12 ёш | 72,7 $\pm$ 4,1                                                   | 71,5 $\pm$ 5,49           | 67,77 $\pm$ 3,44           | 68,59 $\pm$ 5,84          |
| 13 ёш | 75,6 $\pm$ 5,2                                                   | 75,8 $\pm$ 4,87           | 69,83 $\pm$ 4,46           | 72,96 $\pm$ 5,78          |
| 14 ёш | 77,4 $\pm$ 4,32                                                  | 78,8 $\pm$ 4,66           | 74,14 $\pm$ 5,05           | 75,87 $\pm$ 4,54          |
| 15 ёш | 80,9 $\pm$ 4,43                                                  | 81,5 $\pm$ 4,83           | 77,36 $\pm$ 4,61           | 78,47 $\pm$ 4,57          |
| 16 ёш | 81,2 $\pm$ 3,49                                                  | 83,0 $\pm$ 4,03           | 82,36 $\pm$ 5,63           | 80,51 $\pm$ 3,29          |

**2-жадвал. Кишлоқ болаларида кўкрак қафаси айланасининг аввалги авлод кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлили**

7 ёшдан 16 ёшгача бўлган даврда кўкрак қафасининг олд-орқа диаметрининг мутлақ ўсиши ўғил болаларда 4,6 см ва қизларда 4,2 смни ташкил этди, яъни мос равишда 1,33 ва 1,3 марта ўсди. Энг катта ўсиш 9 (1,0 см), 11 (0,8 см) ва 15 (0,8 см) ёшдаги ўғил болаларда, қиз болаларда эса 8 (0,5 см) ва 13 (1,2 см) ёшларда кузатилди. Ўғил болаларда минимал ўсиш 8 (0,2 см), 10 (0,2 см) ва 16 (0,1 см) ёшда, қизларда эса 10 (0,2 см) ва 16 (0,3 см) ёшда кузатилди.

Худди шу даврда кўкрак қафасининг кўндаланг диаметри ўғил болаларда 1,44 марта, қизларда 1,38 марта, ўсишнинг абсолют миқдори мос равишда 8,7 см ва 7,5 смни ташкил этди. Максимал ўсиш 9 (1,4 см), 12 (1,3 см) ва 15 (2,4 см) ёшли ўғил болаларда, 11-12 (1,2 ва 1,5 см) ва 14 - 15 ёшли қизларда (0,8 ва 1,1 см) кузатилди. Ўғил болаларда энг паст кўрсаткичлар 8 ва 11 (0,2 ва 0,5 см) ва 16 (0,2 см) ёшда, қизларда эса 9-10 (0,3 смдан) ва 16 (0,4 см) ёшда қайд этилди.

#### Хулоса

Тошкент вилоятининг кишлоқ шароитида яшовчи мактаб ўқувчиларининг антропометрик кўрсаткичлари бўйича олинган янги маълумотлар 26 йил аввалги кишлоқ болаларининг кўрсаткичларидан юқори натижаларни қайд этди. Қиёсий таҳлиллар кишлоқ болаларида ёш даврига хос акселерация элементлари мавжудлигини исботлайди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Автандилов Г.Г. Медицинская морфометрия. Руководство. /М.: Медицина, 1990; 384 с.
2. Богомолова Е.С., Кузмичев Ю.Г., Бадеева Т.В. Физическое развитие современных школьников Нижнего Поворода. //Медицинский альманах. 2012;3(22):193-198.
3. Камилова Р.Т. Шаҳар ва кишлоқларда яшовчи 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни жисмоний ривожланиши бўйича стандартлар. /Услубий тавсиянома. Тошкент, 1998.
4. Кучма В.Р., Милушкина О.Ю., Бокарева Н.А. Гигиеническая оценка влияния средовых факторов на функциональные показатели школьников. //Гигиена и санитария. 2013;5:91-94.
5. Макарова Л.П., Соловьёв А.В., Сыромятникова Л.И. Актуальные проблемы формирования здоровья школьников. 2013;12:494-496.
6. Тегакко Л.И., Негашева М.А. Влияние степени урбанизации на соматические особенности и адаптационные возможности школьников и студентов гг. Минска и Москвы. //Актуальные вопросы антропологии. 2012;(7):75-84.
7. Salivon I., Polina N. Constitution and reactivity of the organism. //J. Physiol. Anthropol. Appl. Human Sci. 2005;24(4):497-502.
8. Tegako L.I., Salivon I.I., Marfina O.V., Gurbo T.L. On some results of the work «The development of regulatory scales of physical development of children and adolescents of the Republic of Belarus». //Актуальные вопросы антропологии. 2008;(3):30-43.

**Қабул қилинган сана 20.06.2024**